

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**233** 2012/2013 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларига қабул тўғрисида

Республика минтақалари иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларида талаб юқори бўлган ўрта махсус, касб-хунар маълумотли кадрларни мақсадли ва сифатли тайёрлашни, умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ўқитиш билан тўлиқ қамраб олишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида аниқ касблар бўйича касб-хунар коллежлари битирувчиларига амалдаги эҳтиёжни танқидий таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган, 2012/2013 ўқув йилидан бошлаб республика минтақаларида 1-иловага\* мувофиқ 23 та касб-хунар коллежини касблар ва мутахассисликларни кенгайтирган ва унификация қилган ҳолда қайта ихтисослаштиришга доир таклифлари қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг ўрта махсус, касб-хунар маълумотли мутахассисларга бўлган реал эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда тайёрланган 2012/2013 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини республиканинг касб-хунар коллежларига ва академик лицейларига қабул қилишнинг умумий параметрлари 2 ва 2.1 — 2.13-иловаларга\* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси (А.Н. Арипов), республиканинг касб-хунар коллежларига ва академик лицейларига қабул қилишнинг тасдиқланган умумий параметрларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг таклифлари асосида икки ҳафта муддатда 2012/2013 ўқув йилида вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар бўйича ҳар бир академик лицей ва касб-хунар коллежига умумтаълим мак-

---

\* 1 — 2.13-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

табларининг 9-синфлари битирувчиларини қабул қилиш параметрларини тасдиқласин.

Бунда умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини, ўқувчилар ва улар ота-оналарининг танланган, иқтисодиёт тармоқларида эҳтиёж мавжуд бўлган мутахассисликлар бўйича ўқишга талабини, шунингдек таълим муассасаларида зарур моддий-техника базаси мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда ўқитиш билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлашга алоҳида эътибор берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига (А.Н. Арипов), зарурият бўлганда, умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларининг ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида ўқитиш билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш мақсадида академик лицейлар ва касб-хунар коллежларига қабул қилиш кўрсаткичларига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ўз тасарруфида ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2012/2013 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини академик лицейлар ва касб-хунар коллежларига қабул қилишнинг белгиланган умумий параметрлари сўзсиз бажарилишини таъминласинлар ҳамда шу йил 10 августгача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига қамраб олиш натижалари бўйича якуний ахборот тақдим этсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2012/2013 ўқув йилида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул қилишнинг тасдиқланган параметрларини ҳисобга олган ҳолда, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар таъминоти учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан зарур маблағлар ажратилишини белгиланган тартибда таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази манфаатдор вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда қайта ихтисослаштирилаётган, янгидан фойдаланишга топширилаётган касб-хунар коллежларида ва касб-хунар коллежлари филиалларида 2012/2013 ўқув йили бошлангунга қадар сифатли ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш, уларни юқори малакали ўқитувчи кадрлар билан тўлдириш, уларни кадрлар тайёрлаш йўналишларига мувофиқ ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ўқув ва услубий адабиётлар билан таъминлаш чора-тадбирларини кўрсинлар.

8. Туманлар, шаҳарлар ва вилоятлар ҳокимларига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини академик лицейларда ва касб-хунар коллежларида ўқитиш билан қамраб олиш бўйича ушбу қарор билан тасдиқланган

умумий параметрларнинг бажарилиши, шунингдек юзага келадиган ташкилий-техник масалаларни ҳал этиш юзасидан шахсий масъулият юклансин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 24 май,  
144-сон